

Босниялик мусулмон етакчиси сайловда қатнашмоқчи



18:30 / 06.07.2021 1834

Босния ва Герцеговина парламент ассамблеяси (Халқлар уйи) юқори палатаси раиси, Босния демократик ҳаракатлар партиясининг етакчиси Бакир Изетбегович 2022 йилда Биг Раёсати учун сайловларда қатнашмоқчи. Сиёсатчи бу ҳақда «Ҳаят» телеканалда хабар берган.

Сайловларда ғалаба қозониш имкониятига эга бўлган кучли партиянинг ҳар бир раҳбари мамлакат Президиуми номзодини қўйиши шарт, деб ёзади Балканист.ру.

Нашрнинг таъкидлашича, Изетбегович партиясининг Босния мусулмонлари орасида энг таъсирли сиёсий куч бўлиб қолмоқда. Шунга қарамай, бошқа мусулмон партиядан яна бир нечта номзодлар, шу жумладан

Изетбеговичнинг собиқ партияси аъзолари Биг Раёсатига сайланишмоқчи.
Потенциал рақобатчилар орасида сиёсатшунослар мамлакатнинг собиқ
хавфсизлик вазири Фахрудин Радончични алоҳида таъкидлашди.

Хуршид Маъруф тайёрлади